

ДАРОМАД ВА МОЛ-МУЛКНИ МАЖБУРИЙ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИ

Максумов Нодиржон Эргашевич
Давлат хизматини ривожлантириш
агентлиги директори ўринбосари
E-mail: n.maksumov@argos.uz

Аннотация. Мазкур мақолада Давлатимиз раҳбари томонидан Давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги Қонуннинг аҳамияти ва уни қабул қилиниши билан амалга ошириладиган устувор вазифалар билан бирга давлат бошқарувидаги халқ манфаатларини инобатга олишдаги вазифалар кетма-кетлиги таҳлил этилган.

Калит сўзлар. кадрлар сиёсати, қонун, танлов, Давлат фуқаролик хизмати, таҳлил, ҳокимият.

Давлат фуқаролик хизматининг тўғри ташкил этилиши бевосита қабул қилинадиган қонун ҳужжатларига боғлиқ. Чунки давлат фуқаролик хизматидаги муносабатларнинг қанчалик мукамал ҳуқуқий тартибга солинганлик даражаси унинг мазмуни ва амалдаги ҳолати ҳамда самарали такомиллашиш тенденцияларини белгилаб беради.

Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда 2022 йилнинг 22 май кuni regulation.gov.uz порталига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан муҳокама учун жойлаштирилган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилиб, баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Мазкур қонун жамият ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий фаолиятида қай даражада аҳамиятга эга? Фуқаролар ундан қандай манфаат кўради?

Шу каби саволлар билан соҳа мутахассисларига мурожаат қилдик.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши нафақат давлат хизмати тизимини қонунчилик даражасида тартибга солиш, балки уни бутунлай ислоҳ қилишга асос бўлди.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари 2017 йил 22 декабрь кuni парламентга қилган Мурожаатномасида бу борадаги масалага алоҳида тўхталиб, “Бугунги кунда жамият ҳаётидаги мавжуд муаммоларни самарали ечиш, кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш зарурати давлат бошқаруви соҳасида мутлақо янги тизим яратишни тақозо этмоқда. Ўйлайманки, бунинг учун “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вақти келди”, дея билдирган фикри бу соҳадаги ислоҳотларни бошлаб берди.

Навбатдаги муҳим қадам — хорижий мамлакатларнинг муваффақиятли тажрибаларининг чуқур таҳлили асосида давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги

муносабатларни тартибга солувчи “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Россия, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Германия, Япония ва яна бир қатор давлатларнинг норматив ҳужжатлари пухта ўрганилди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини юқори савияли кадрлар билан таъминлаш, улар билан доимий ишлаш, касб маҳоратини ошириб бориш, малакали ва масъулиятли мутахассислар захирасини шакллантириш масалалари ҳар қандай давлат олдида турган устувор вазифалардан ҳисобланади. Мазкур қонун лойиҳаси эса бу борадаги ишларнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилиши билан бирга, давлат фуқаролик хизмати ва инсон ресурсларини ривожлантириш борасидаги ишларда йўл кўрсатувчи компас вазифасини ҳам ўтайди.

Хусусан, қонун лойиҳасида кадрларни очиқ мустақил танлов асосида саралаб олиш, меритократия ва фаолиятнинг натижадорликка йўналтириш мақсадида самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тушунчаларининг киритилиши белгиланмоқда. Бу эса энг муносиб ва қобилиятли шахсларнинг адолатли ҳамда холис баҳолаш орқали давлат фуқаролик хизматига қабул қилиниши ҳамда хизмат поғоналарида барқарор ўсишини таъминлайди.

Албатта, бу ўринда давлат фуқаролик хизматининг нуфузи мазкур хизматда тўғри ишлаётган, ўзини ишга бахшида қилган ва масъулиятни ўз зиммасига олишдан чўчимайдиган малакали кадрларнинг сони, машаққатли меҳнати, натижадорлиги, қатъиятлилиги ва ўзига бўлган ишончи туфайли ҳурмат ва обрў-эътибор қозонган инсонларга ҳам боғлиқдир.

Қонун лойиҳасида давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини амалга оширишнинг асосий тамойиллари, давлат фуқаролик хизматчилари таркибини шакллантириш, танлов ўтказиш, фаолиятини мониторинг қилиш, хизматдан бўшатиш тамойиллари ўрин олган.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг ижтимоий ва пенсия таъминотини ҳисобга олган ҳолда, ҳалол ва фидокорона хизматни моддий ва номоддий шаклда рағбатлантириш механизмлари, шунингдек, хизмат этикаси ва коррупцияга қарши кураш масалалари тартибга солинган.

Хулоса қилиб айтганда, қонун лойиҳаси билан давлат ҳокимиятининг вазифалари ва функцияларининг амалга оширилишида давлат фуқаролик хизматининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш — давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қўшимча қафолатлар яратади ҳамда уларнинг масъулиятини янада оширади.